



THE DEVELOPMENT HISTORY OF THE STATE POLICY ON YOUTH IN UZBEKISTAN

Davlatbek Rakhmonberdiev

Lecturer

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: “State youth policy”, “Concept of youth”, “Third Renaissance” high intellectual and spiritual potential, “young people (young citizens)”, “young families”, “young specialists”.

Received: 15.12.24

Accepted: 17.12.24

Published: 19.12.24

Abstract: This article analyzes the normative-legal foundations of state youth policy in Uzbekistan, the stages of its development and formation, and the reforms implemented within the framework of the Law "On State Youth Policy." Youth policy is a priority area of state activity in the Republic of Uzbekistan, aimed at the social development and growth of young people, as well as the analysis of their creative potential and opportunities for the benefit of society.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Давлатбек Рахмонбердиев

ўқитувчи

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: “Ёшларга оид давлат сиёсати”, “Ёшларга тушунчаси”, “Учинчи ренессанс”, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳият, “ёшлар (ёш фуқаролар)”, “ёш оила”, “ёш мутахассис”.

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг меъерий-ҳуқуқий асослари уларнинг ишлаб чиқилиши ва шаклланиш босқичлари, “Ёшларга оид давлат сиёсати” тўғрисидаги қонун доирасида амалга оширилаётган ислоҳатлар, Ёшлар сиёсати Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлидаги имкониятлари таҳлил этилган.

ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ В ОТНОШЕНИИ МОЛОДЁЖИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Давлатбек Рахмонбердиев

преподаватель

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ташкент, узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: «государственная молодежная политика», «понятие молодежи», «Третий ренессанс», высокий интеллектуальный и духовный потенциал, «молодежь (молодые граждане)», «молодая семья», «молодой специалист».

Аннотация: В данной статье рассматриваются нормативно-правовые основы государственной молодежной политики в Узбекистане, этапы их разработки и формирования. Анализируются реформы, проводимые в рамках Закона «О государственной молодежной политике». Отмечается, что молодежная политика является приоритетным направлением государственной деятельности Республики Узбекистан. Цель политики заключается в социальном становлении молодежи, развитии их потенциала и возможностей на благо общества.

1. Долзарблиги:

Бугун жаҳондаги мураккаб ва тез ўзгарувчан глобаллашув шароитида ҳар қандай давлатнинг демократлашганлик даражасининг муҳим кўрсаткичларидан бири жамиятнинг ижтимоий-маданий, сиёсий ҳамда иқтисодий маконида ёшларнинг мавқеи қандай эканлиги билан белгиланади. Ёшлар муаммоларини ҳал қилиш соҳасидаги самарали давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда унда қўлланиладиган механизм ва технологияларни такомиллаштириб бориш нафақат ижтимоий барқарорлик, балки умуман, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири саналади. Бу эса, ўз навбатида умумжаҳон стандартлари ва миллий-минтақавий хусусиятларни ўзида уйғун тарзда синтезлаган инновацион механизм ва технологияларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган узок муддатли ёшларга оид давлат сиёсати моделини ишлаб чиқишга бўлган заруратни янада кучайтирмоқда.

Бундан ташқари, ёшлар сиёсати бўйича миллий моделларнинг нафақат локал нуқтаи назардан муваффақиятли амал қилиши, балки уларнинг мазкур соҳадаги халқаро муносабатларга интеграциялаша олиши, мазкур сиёсатнинг самарадорлигини белгиловчи муҳим мезонлари сифатида қаралмоқда.

2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик илмийлик қиёсий-мантиқий таҳлил кетма-кетлик асосида ёритилган бўлиб унда юртимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсати таҳлил этилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ёшларга оид давлат сиёсатини ҳуқуқий тартибга солиш масаласи сиёсий жараёнларда уни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Айнан қонунчилик даражаси ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг самарадор ташкилий-бошқарувчилик механизмлари шаклланиш имкониятларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттираемиз. Нафақат давом эттираемиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” , дея қатъий фикр билдиргани эътиборлидир.

Маълумки, Собиқ совет даврида ёшларни тарбиялашга қаратилган тизимли бошқарув йўлга қўйилган эди. Ўша даврда бу жараён Собиқ совет давлати таркибидаги Республикалар вазирликлари ва идораларининг 1300 дан ортиқ Министрлар Кенгаши қарорлари даражасидаги қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинарди. Комунистларнинг ёшлар иттифоқи ташкилоти ёшлар билан ишлаш учун зарур бўлган барча амалий ресурсларга эга қудратли жамоат бирлашмаси эди. Шу туфайли, у қасаба уюшмалари ва давлат ҳокимияти органлари билан мустаҳкам алоқаларга эга бўлиб, уни Собиқ совет давлатининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилот сифатида ҳам кўрсатиш мумкин .

Мустақилликка эришгач, кўпгина соҳалар қатори Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати ҳам алоҳида йўналиш сифатида тубдан қайта ташкил топди, бир қатор муҳим тадрижий тараққиёт босқичларини бошдан кечирди.

Ёшларимиз бугун эришган ва эртага мамлакатимиз тараққиёти учун замин бўладиган мақсадлар билан яшашти. Улар амалга ошираётган жасорат намуналари ҳақида минглаб мисолларни келтириш мумкин. Мустақиллик шарофати билан тикланган маънавий меросимизни ўрганишда, урф-одатларимизга риоя этишда, мутафаккир ва алломаларимиз билан фахрланишда, ўз давлати мадҳиясини куйлашда, миллат байроғидан ғурурланишда,

аждоодларга армон бўлган, авлодларга инъом бўлган “Ватанимга ва Президентимга хизмат қиламан!” деган шавкатли туйғуларга тўлган янги авлод вужудга келди .

Хусусан, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати шаклланиши ва амалга ошириш жараёнини соҳага оид иккита муҳим қонуннинг қабул қилиниши билан боғлиқ равишда икки хронологик босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич, 1991-2016 йилларни ўз ичига олиб, уни ёшларга оид давлат сиёсатининг жорий қилиниши, унинг давлат сиёсий фаолиятининг алоҳида устувор йўналиши сифатида ажралиб чиқиши ва институционаллашуви каби бир қатор хусусиятлар билан тавсифлаш мумкин.

Ушбу босқичнинг бошланиши 1991 йил 20 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” ги Қонуни қабул қилиниши билан белгиланади. Шунингдек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши “Ёшларга оид давлат сиёсати” атамасининг кенг илмий ва амалий истеъмолга кириб келишига замин яратди. Ушбу санадан то бугунги кунгача Республикаимизда ёшлар сиёсати давлат сиёсий фаолиятининг алоҳида тури сифатида амал қилиб келишига олиб келди. Қонуннинг қабул қилиниши ёшларга оид давлат сиёсати билан шуғулланувчи давлат ҳокимияти органлари ва Ёшлар ишлари бўйича давлат Кенгаши юзага келишига сабаб бўлди. Қонунга кўра Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни қафолатлашдан иборатдир .

“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” қонуни амал қилган 1991-2016 йиллар билан белгиланувчи биринчи босқичда мазкур қонун ёшларга оид давлат сиёсатининг шаклланиши ва самарали амал қилиниши таъминлади. Айнан ана шуни назарда тутган ҳолда, мустақилликка эришган Собиқ иттифок республикалари ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда қабул қилинган ушбу тарихий ҳужжат, бу борада ҳам бош ислохотчи бўлган давлатимизнинг ёшларга оид давлат сиёсати бўйича энг асосий ва устувор йўналишларини белгилаб берди.

Иккинчи босқич 2016 йилнинг 14 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши билан бошланди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида ўзига хос янги даврни бошлаб берди. Ўз навбатида, бу мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлашга, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулияти ва

Ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга, ушбу соҳада соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиб келмоқда. Ушбу қонун асосида ёшларга оид давлат сиёсатининг мезонлари бугунги кун талабларига муносиб равишда белгилаб берилди. Асосийси қонун билан ушбу йўналишдаги ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари сифатида ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатлари мустаҳкамлаб қўйилди. Шу асосда Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш, ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий-назарий қарашлар, услубларни амалиётга жорий этишнинг осон йўллари ишлаб чиқиладиган бошланди.

Қонундаги эътиборли жиҳатлардан бири – унда ушбу йўналишдаги асосий тушунчалар “ёшларга оид давлат сиёсати”, “ёшлар (ёш фуқаролар)”, “ёш оила”, “ёш мутахассис” каби моҳияти очиқ берилган .

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи субъектлар аниқ белгилаб қўйилди. Шунингдек, ёшлар учун қонун билан ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий имтиёзлар белгилаб берилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” сифатида нишонланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг мустақил фаолият тури сифатида вужудга келиши, унинг меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий асосларининг шаклланиши ва ёшларга оид давлат сиёсати субъектларининг вужудга келиши ҳамда ривожланиши биринчи босқичнинг (1991-2016 йиллар) ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади. Иккинчи босқичини (2017-йилдан ҳозирга қадар) эса ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги тушунчаларнинг аниқ таърифланиши, устувор йўналишлар ва тамойилларнинг белгиланиши ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат ва нодавлат ташкилотларнинг қатъий белгиланиши, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари ва технологияларининг замон талабларига мос равишда такомиллаштирилиши кабилар мисол бўлиши мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –Б. 14.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 уй 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Халқ сўзи, 2017, 8 феврал.
3. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (I қисм). – Т: “O‘zbekiston” НМИУ, 2017.Б – 32.
4. Т.Алимардониов “Озодликда улғайган авлод” <http://www.biznes-daily.uz>
5. Слуцкий, Е.Г. Что такое молодежная политика? / Е.Г. Слуцкий // Молодежь: цифры, факты, мнения. -СПб., 2006.-№1.-С. 18-19
6. Юлдашев М. Мустақил Ўзбекистан Республикасида ёшларни тарбиялаш жараёнида уларнинг сиёсий маданияти шаклланиши муаммолари (докт. дисс.) –Т.: ЎзМУ, 1999.